Ilmiy tadqiqotlar va ularning yechimlari jurnali
Aoka guvohnoma № 323759 ISSN: 3060-4818

УЗУНҚИР АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИГИ ВА УНДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР

И.И.Жамолов
Шаҳрисабз давлат музей қўриқхонаси
“Доруттиловат” филиали бўлим бошлиғи

Қашқадарё воҳаси моддий маданият ёдгорликларига ниҳоятда бойдир. Ўлкада кенг кўламда олиб борилган археология тадқиқотлар натижасида топиб текширилган қишлоқ ва шаҳар харобалари қадимий маданий ўчоқлар бўлиб ҳисобланади.

1981-йилда ТошДУ Ўрта Осиё археология кафедраси профессор укитучилари, Қашқадарё археологик - топографик экспедисияси (ҚАТЕ) аъзолари томонидан топиб текширилган. Узунқир ўрнида мил. ав. VIII-VII-асрларда қадимги манзилгоҳ бўлган. Мил. ав. VII-VI-асрларда 70 га майдонни эгаллаган. Узунқир Китоб— Шаҳрисабз воҳасининг иқтисодий ва маъмурий марказига айланган. Узунқирдан Тахтакарача довони орқали қадимги Самарқанд (Мароканда)гача бўлган масофа 70 км ни ташкил қилган. Шаҳар Мароканда – Бақтра карвон йўли бўйида жойлашиб муҳим савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик аҳамиятига эга бўлган.

1981-1984-йилларда Узунқирда ёдгорлигида дастлабки тадқиқотлар ишлари Н. И. Крашенинникова (П-1) томонидан олиб борилиб, аҳамонийлар ва илк антик давр қатламлари кузатилган.

Узунқирда иккита қурилиш даври аниқланган. Ушбу ёдгорликда шурф усули амалга оширилди ҳамда мудофаа деворини ўрганиш борасида тадқиқотлар ўтказилиб, қалинлиги 2,5 метрга тенг бўлган қурилиш қолдиқлари, ёрғучоқ, суяк қолдиқлари, сопол синиқлари, кул қатламлари бўлган маданий қатлам топилиб, у миллоддан аввалги 1-минг йиллик бошлари билан саналанган. Шурфдан олинган маълумотлар Узунқир ўрнида илк темир даври шаҳар маркази мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Узунқир ёдгорлигининг катта қисми ҳозирги вақтда текисланиб кетган ва фақат жанубий-ғарбий томонидаги мудофаа деворларининг узунлиги 450 метрга тенг бўлган қисми сақланиб қолган холос. Н.И.Крашенинникова томонидан қазиш ишлари ўтказилган жойда девор ташқи томонининг аниқ тасвири кўзга ташланади. Ушбу девор қисми бўйлаб Узунқир мудофаа девоир жанубий қисмини О.Н.Лушненко томонидан ўрганиш давом эттирилди.

1997-йилга келиб Шаҳрисабз шаҳар музейи ходимлари кейинчалик ЎзФА Археология институти ходимлаи томонидан Н.И.Крашенникова ва О.Н.Лушненко томонидан қазишма ишларини мантиқий давом эттириб қалъа деворининг уч даври ва унинг таъмирланиши кузатилади.

1986-1988 - йилларда А.С.Сагдуллаев ва О.Н.Лушпенколар турли вақтларда бир-бирига яқин учта девор аниқланган. Деворлари ички йўлак галереясидан иборат тўртбурчаклар буржларр билан ўралган. Деворнинг қурилиши милоддан аввалги IX – VIII асрларга тўғри келади.

Биринчиси, қалинлиги 420 см бўлиб, пахса пойдевор-платформасида ўрнатилган. Девор ички йўлак галереядан иборат бўлиб, ён томонида тўртбурчак миноралар жойлаштирилган. Миноралар орасидаги масофа 21 м, девор ички йўлаги чуқурлиги 80 см, кенглиги 270–320 см бўлган. Деворда ўқ шаклидаги шинаклар ҳам қурилган. Миноларнинг ташқи томонидада тўғри бурчакли шинаклар ва пиластерлар жойлашган. Девор ғиштдан (50-52x24-26x15-16 см) қурилган, иккинчи даврда қалъа ишкаридан қўшимча тош (қалинлиги 160 см) билан мустаҳкамланган.

Кейин унга учинчи девор (қалинлиги 120 см) бириктирилган. Дастлабки деворнинг қурилиши милоддан аввалги IX-VIII-асрларга тўғри келади. Узунқирда А.С.Сагдуллаев ва О.Н.Лушпенко томонидан ётқизилган шурф 2002 йилда ЎзФА Археология институти олимлари томонидан 1 м га кенгайтирилиб, узунлиги 15 м га узайтирилади. Натижада мудофаа деворининг

тўртта қурилиш даври кузатилади: - Узунқир - I , II, III, IV. Узунқир-I босқич мудофаа девори материкда тўртбурчак шаклидаги гувалалардан (30-50x20-25x15-20 см) қурилган. Кенглиги 560 см, сақланган баландлиги 160 см. О. Н. Лушпенко Узунқир қалъа деворининг милоддан аввалги X-VIII-асрларга оид қатламидан қўлда ясалган қолипли сопол идишлар тўғрисида мақола эълон қилган.

Милоддан аввалги VIII-VI асрларда манзилгоҳ атрофларидаги катта ҳудуд ўзлаштирилади ва манзилгоҳни ғарбий-жанубий ва шарқий томонидан мудофаа девоир билан ўраш эҳтиёжи вужудга келади. Узунқир манзилгоҳининг мудофаа деворини ўрганиш натижасида қўлга киритилган топилмалар Жанубий Сўғднинг илк темир дабри мудофаа меъморчилигига доир янги маълумотлар берди.

Антик даврда Марказий Осиё жанубидаги бир қатор йирик шаҳар марказларининг деворлари ўз даври меъморчилик анъаналари асосида қайта таъмирландики, бу уларнинг мудофаа имкониятларини янада оширади. Ушбу қўрғонлар кейинг даврларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Улардан фарқли равишда Узунқир ўз имкониятларидан фойдаланиб бўлади.

Жанубий Сўғдда илк темир даврида бошланган тарихий жараёнлар натижасида 3-4 гектар катталикдаги манзилгоҳлар вужудга келади ва улар кейинчалик қалин ҳамда мустаққам мудофаа деворларига эга бўлиб, дастлабки шаҳарларнинг қароргоҳларига айланади. Узунқир Марказий Осиё жанубидаги илк шаҳар маданий марказларидан бири бўлиб, бутун Қадимги шарқ учун умумий бўлган тараққиёт қонунлари асосида ривожланган. Лекин вақт ўтиб бу жараён Узунқирда тўхтадики, буни энг аввало суғориш тизимидаги ва қадимий шаҳар мудофааси аҳволидаги ўзгаришлар билан изоҳлаш мумкин.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Кеш шаҳри милод бошларида нафақат жанубий Суғднинг, балки бутун Суғдиёнанинг марказий шаҳарларидан ҳисобланиб, маданий, иқтисодий ва сиёсий маркази бўлган. Чунки танга пулларни чиқариш ва унда ҳукмдор тасвирларининг акс эттирилиши, шаҳар мавқеини, давлатнинг қудратини кўрсатувчи омиллар билан бир қаторда шаҳарнинг мустақил тарзда сиёсат юритганлигидан ҳам далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Сагдуллаев А. С., Лушпенко О. Н. Новые данные к изучению древнесогдийских поселений.
2. Кўчаров Ж.Қ. Кеш- Суғднинг илк ўрта асрлардаги сиёсий ва маданий маркази // ҚарДУ хабарлари, 1(39), Қарши 2019.
3. Лушпенко О. Н. Керамические комплексы раннежелезного века Южного Согда. Рис. 2.
4. Sharisabz 2700 yilligi. “Ming yillar meros” Toshkent. 2002.
5. Холматов О.Қадимий Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар/Тошкент, Янги аср авлоди, 2014.
6. 5.Холматов О.Дилкаш шаҳар тарихи/Тошкент, Янги аср авлоди, 2015.